


ЯНА БАҲОР КЕЛДИ ОЛАМГА



Кўркам кўкламнинг ҳузурбахш нафаси кўнгилларга кўтаринки кайфият бағишилади. Бутун борлик уйғонади. Қир-адирларда майсалар ниш уриб чиқа бошлайди. Қиши давомида уйқуда бўлган дов-дараҳт шохларида япроқлар куртакларни ёриб, қуёш нурларига талпинади. Табиат яшилликка бурканади.



Боғ-роғлар гулларга кўмилади. Қушларнинг сайраши қалбларга қувонч улашади.

Баҳор - фасллар келинчаги. Бунда гуляпроқларнинг муаттар ҳиди, жонбахш елларнинг ажиб шўхлиги, уйғонган ҳаётнинг нафаси қалбларни жунбушга келтиради. Дараҳтлар гулга бурканади, қушларнинг оромбахш саси оламни тутади. Тупроқ ҳидини соғинган бободеҳқон кетмонини олиб, даласига ошиқади. Ким кўчат қадаган, ким ер чопган, ким дараҳт бутаган. Бошқаси ариқ қазиган. Барча-барча тириклик ташвишлари билан банд.

Баҳор - янгиланиш, яшариш фасли!

Бу - гўзаллик, нафосат фасли!

Баҳор барчангизга муборак бўлсин!

Яна баҳор келди, яна оламда,
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт,
Мен сени қутлайман шу улуғ дамда,
Улуғ елкадошим, музaffer ҳаёт!